



O'ZBEKISTON O'VOZI

2015-yil, 15-sentabr. Seshanba 109 (32.012)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси соҳага оид қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор таклифларни илгари сурмоқда

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилмоқда.

Айтиш кераки, шу кунга қадар мазкур тизим айни пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солиб келинади. Бироқ соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтиришга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар амалдаги қонуннинг айрим нормаларига ўзгартириш киритишни тақозо этмоқда.



Давоми 2-бетда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

БЕЛЬГИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизга ташриф буюрган Бельгия Қироллиги парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид Браке раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашувда Ўзбекистон ва Бельгия ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги парламентларо муносабатлар тобора фаоллашмоқда. Бельгия парламенти вакиллари, «Бельгия — Ўзбекистон» парламентларо ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келаётир.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Бельгияга пахта толаси, газлама, ноорганик кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Бельгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса буюм-каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хорижий

савдо-иқтисодий агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Фарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Мамлакатларимизда қишлоқ хўжалиги, савдо, иқтисодийёт, сармоя, шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдиротлар, ишбилармонлар учрашувлари ўтказилмоқда.

Бельгия парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатларини юлғори баҳолади. Ўзбекистон билан парламентаризм, савдо, иқтисодийёт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистон муҳим стратегик ҳамкорларимиздан, — деди Зигфрид Браке. — Давлатингиз минтақада тинчлик,

Ноидра МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Санжар ШОТУЛАНОВ олган сурат.

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА

халқимизнинг ўзаро бирдамлиги, фидокорона меҳнати муҳассам

ЎзХДП Марказий Кенгаши Тошкент вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Оққўрғон туманида «Мустақиллик — инсон фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг

мустақкам пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг оғир ва фидокорона

меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар хусусида сўз борди.

Давоми 2-бетда.

Бугун сирдарёлик хотин-қизларнинг 5 минг нафардан ортигини ЎзХДП аъзолари ташкил қилади. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида улар сафи 62 кишига ошди.

Ҳозирги вақтда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашида 12, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 72 нафар ЎзХДПдан сайланган депутат фаолият кўрсатмоқда.

САВОЛ-ЖАВОБ

Динара АЛИЕВА,
ҳамшира, Тошкент шаҳридан:

— Яқинда «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан хабарим бор. Эшитишимга қараганда, унда Бош давлат санитария врачлари ваколатлари янада кенгайтирилган. Бу ҳақда тўлиқроқ тушунчага эга бўлишни истардим.



Турсуннўлат
НОРБОЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати,
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Дарҳақиқат, янги қонунга мувофиқ, Бош давлат санитария врачининг ваколатлари кенгайди. Шу билан бирга, унинг зиммасидаги масъулият ҳам ортди.

Қонунга кўра, Бош давлат санитария врачлари санитария-эпидемиология хизмати раҳбарлиги қилади, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилайди. Шунингдек, санитария қоидалари, нормалари, гигиена нормативларини, атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-техник ҳужжатларни тасдиқлайди.

Профилактик эмлашларнинг миллий тақвими ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўтказиш

тартиби, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ҳамда ҳўжалик фаолияти билан шўғулланиши тахикланадиган ҳудудлар ҳам Бош давлат санитария врачлари томонидан белгиланади.

Атрофдагилар учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши хавфи бўлган тақдирда тегишли санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида қарорлар чиқариш ҳам айнан унинг ваколатига қиради.

Бундан ташқари, янги озик-овқат қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик фаол, кимёвий моддалар, биологик воситалар ҳамда материаллар, полимер ва пластик массалар, атир-упа, пардоз маҳсулотлари токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолаш асосида, уларнинг Республикаимизга олиб кирилиши ёки ишлаб чиқарилиши учун рухсатномалар бериш ҳуқуқига эга.

Бош давлат санитария врачлари республика ва маҳаллий эпидемия фондлари, санитария-гигиена тадбирлари ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар учун ажратиладиган моддий-техника ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади. Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек, уларнинг мансabdор шахслари ҳаракатларига доир шикоятларни қўриб чиқади.

БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилада ва жамиятда муносиб ўрин топишига қўмаклашиш борасида қатор вазифаларни белгиланган. Уларни амалга оширишда «Фаол аёллар» қаноти фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Партияимизнинг «Фаол аёллар» қаноти фаолиятини янада кучайтириш борасида қандай таклифларингиз бор?

Жамила ШУКУРАЛИЕВА,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши
Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш
сектори мудири:

— Президентимиз аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқ хотин-қизларининг турмушини энгиллаштириш долзарб масала эканини кўп такрорлайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар этиб турадиган аёлга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинган барча муҳим ҳужжатлар уларнинг истеъдод ҳамда имкониятларини рўйбега чиқаришга хизмат қилмоқда.

Биз ўз фаолиятимизда қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратаямиз. Бугунги кунда ЎзХДП Жиззах вилояти бўйича жами аъзолар сони 16107 нафар бўлиб, уларнинг 5479 нафарини аёллар ташкил этади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида партияимиздан сайланган 2 нафар, шаҳар, туман Кенгашларида эса 24 нафар аёл депутат фаолият олиб бормоқда.

Партия аъзолари, айниқса, қанот етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш алоҳида эътиборимизда. Бу хотин-қизларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш жараёнидаги иш-тирокини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда бу йил биринчи марта партияимиз аъзоси бўлган хотин-қизлар ўртасида «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» кўриктанлови ўтказилди.

Вилоятимизда танловнинг биринчи — туман, шаҳар босқичида 58 нафар хотин-қиз иштирок этди. Улардан 13 нафари голиб бўлиб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.


Депутат аёллар иштирокида хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш ниятида ҳар бир ҳудудда «Фаол, ташаббускор аёллар» маркази ташкил қилмоқчимиз. Бу марказда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимлари оширилади ҳамда уларнинг таклифлари, фикрлари олинади.

Бугун хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш учун имкониятлар етарли. Фақат улардан самарали фойдаланишимиз лозим. Бирор муаммога ечим топишга қийналиб, ҳали у, ҳали бу идорага қатнаб юрган хотин-қизларга дуч келамиз. Қанотимизнинг асосий вазифаларидан бири хотин-қизларга ҳуқуқларини тушунтириб бориш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган иборат бўлиши керак, деб ўйлайман.

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЁШ ФАОЛЛАРИ

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИ
ТАНЛАДИК»

2



ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК
алоқаларини яхшилаш масаласи
муҳокама қилинди



ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши: тажриба, таҳлил, мулоҳаза

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси соҳага оид қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор таклифларни илгари сурмоқда



Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида янги моддалар назарда тутилмоқда.

Хусусан, бу орқали фармацевтика соҳаси ривожланишининг замонавий босқичида фармацевтика секторини тартибга солиш механизмларини қуатириш стандартлар талаби билан ўйинлаштириш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида ЎзХДП фракциясининг ҳам нуктаи назари, мазкур йўналишдаги таклиф-мулоҳазалари тайёрланмоқда.

— Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастурида дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор берилган, — дейди Олий Маж-

лис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каримова. — Шунга мувофиқ, фракциямиз «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини янги таҳрирда баён қилиш бўйича қатор таклифларни ишлаб чиқди. Бу беvosита дори воситалари, тиббий

буюмлар ҳақида ахборот бериш ва дори воситаларини реклама қилиш билан боғлиқ.

Жумладан, фракциямиз фикрича, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилиши лозим. Дори воситаларни рекламасини, шу жумладан, босма оммавий ахборот воситаларида, телевидение ва радиода Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги керак. Қонунийлик, аниқлик, ишонччилик ҳамда истеъмолчига зарар ёки маънавий зиён етказмайдиган шакл ва воситаларни қўллаш дори воситаларни рекламасига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиши зарур.

Бундан ташқари, биз рецепт билан берилмайдиган дори воситаларининг рекламаси фақат дори воситаларини тайинлаш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар орасида амалга оширилишига йўл қўйилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

— Биламизки, тиббиётда шундай дори воситалари борки, уларни шифокор рецептисиз ҳам қабул қилиш мумкин, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамаджанов. — Ҳўш, бундай дори воситаларининг рекламасида нималарга аҳамият бериш зарур? Фракциямиз аъзоларининг фикрича, бундай рекламалар тушунарли тилда баён қилиниши ва дори воситасининг тўлиқ номи, ишлаб чиқарувчининг номи, қўллаш учун асосий кўрсатмаларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, уларни қўллаш ва ишлатишга таққининг мавжудлиги, қўллашга доир йўриқнома билан танишиш ёки мутахассисларнинг маслаҳатини олиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш билан олиб борилиши керак. Дори воситалари барча рекламасининг камида 10 фоизи ҳамда телевидениеда реклама ролиги бошланғич ёки охирида эфир вақтининг камида 5 сонияси ушбу огоҳлантиришга ажратилиши, радиода эса дори воситаси рекламасининг бошланғич ёки охирида керакли хабар берилиши лозим.

Бундан ташқари, фракциямиз рецеттсиз берилмайдиган дори воситаларни рекламасига йўл қўйиб бўлмайдиган ҳужжатлар бўйича ҳам ўз нуктаи назарини баён этди.

Лазиза ШЕРОВА

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЁШ ФАОЛЛАРИ

Мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсир кучи тобора ошиб бормоқда. Хусусан, ижтимоий масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича давлат вақиллик органлари, депутатларнинг ваколатлари кенгаймоқда, фаоллиги кучаймоқда. ЎзХДП ташкилотлари, барча даражадаги депутатлик бирлашмалари жойларда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Натижада одамларнинг партиямизга ишончи мустаҳкамланяпти.

Яқинда Андижон вилоятида ҳам бир гуруҳ ёшлар ЎзХДП аъзолигига қабул қилинди. Ҳўш, улар нега ЎзХДПни танлади?

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИ ТАНЛАДИК»

Гулчехра ҲОШИМОВА,

Қорасув шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходими:

— Мен шу йилнинг август ойида ЎзХДП сафига кириш ҳақидаги ариза билан партияга мурожаат қилдим. Анчадан бери партия томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиб келяпман. Амалий лойиҳаларни қуатириш бормоқдаман. ЎзХДП фаолияти асосини ижтимоий ҳимоя масалалари ташкил этгани ушбу партияни танлашимга туртки бўлди.

Фикримча, ижтимоий ҳимоя фақатгина моддий

Зумрадхон ЭМИНОВА,

Бўз туманидаги «Обод» қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби:

— Қишлоқ фуқаролар йиғинида ЎзХДПнинг ҳудудий партия ташкилоти фаолият олиб боради. Бу ерда партия аъзолари сони кўп. Мен ҳам қизиқиб, ҳудудий партия ташкилоти тадбирларида қатнашдим. Кейинчалик партиянинг туман миқёсида ўтказиладиган лойиҳаларида иштирок этдим. Айниқса, иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган меҳнат ярмаркалари, турли форумлар менга жуда маъқул келди. «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида қишлоғимизда ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Мафтуна ҚАҲҚОРОВА,

Булоқбоя иқтисодиёт ва енгил sanoat коллежи ЭХМ оператори:

— Мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам қуатириш боради. Кейинги йилларда демократик жараёнларни қуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти қуриш, сиёсий партиялар фаолиятини қуатиришга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳаммага маълум. Ана шу жараёнларда фаол иштирок этишни ният қилдим. Аввал мамлакатимизда фаолият олиб бораётган туртта сиёсий партиянинг дастурий максадлари билан танишиб чиқдим. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўлни танлаган. Ўзбекистон Халқ де-

ёрдм кўрсатиш билан белгиланмади. Инсонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий рағбатлантириш, уни турли салбий омиллардан сақлаш ижтимоий ҳимоянинг асоси, деб тушунаман. Мен танлаган партия ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдм кўрсатиш, ишга лавқатли фуқаролар бандлигини таъминлаш, жисмоний имконияти чекланганларга кўмак бериш каби эзгу ишларни амалга ошириб келади. Яқинда бир танишим ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасининг кўмаги билан ишга жойлашди. Бу партияга ишончимни янада оширди. Фуқароларнинг мурожаатини тинглаб, уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишда фаоллик кўрсатаётган партия сафига киришга қарор қилдим.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдм кўрсатиш, бандлигини таъминлашнинг фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб, сезиларли натижаларга эришаётган партия эътиборимни тортиди. ЎзХДП туман кенгаши раиси Матлуба Тўйчиевага партияга аъзо бўлиш истагим борлигини айтдим. Партия дастури, Сайловолди дастури билан яқиндан танишдим. Очиги, ЎзХДПнинг мақсад ва ғоялари, фаолияти менинг ҳаётим қарашларимга мос экан. Шу боис мазкур партия сафига сиёсий жараёнларда фаол қатнашишга қарор қилдим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига туриб, унинг ғояларини кенг тарғиб қилишга ҳисса қўлишдан, шу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар манфаатларини ҳимоя қилишдан мамнунман.

мократик партияси илгари сураётган ғоялар менга кўпроқ маъқул бўлди.

Хусусан, партия Сайловолди дастурида белгиланган жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш масаласи эътиборимни тортиди. Жамиятда ижтимоий адолат таъминлашнинг қарор топтириш, аҳолининг кўмакка муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдм беришга қаратилган ғоялар, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар ЎзХДПга интилишимни кучайтирди.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА

халқимизнинг ўзаро бирдамлиги,
фидокорона меҳнати мужассам

Сўз олганлар истиқлол йилларидаги ютуқлар замирида халқимизнинг ўзаро бирдамлиги, фидокорона меҳнати мужассамлиги, халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилаётган натижалар осонлик билан қўлга киритилмаётганини таъкидлашди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланиш ва демократик жараёнларнинг ҳаётимиздаги самарасини тарғиб қилиш, уларнинг Ватан қадрига дахлдорлигини кучайтириш лозимлигини қайд этишди.

— Ўзбекистоннинг sanoati тез суръатлар билан ривожланиб бораётган давлатлар қаторида экани халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда, — дейди ЎзХДП Окқўрғон туман кенгаши раиси Гулнора Абдуназимова. — Бугун замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда sanoatнинг улуши 25 фоизга өтди. Экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқариляпти. Буларнинг барчаси олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилаётган «Ўзбек модели» самарасидир.

Тадбир якунида таниқли санъаткорларнинг Ватаним, мустақил дёйримизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлари янгради.

Тошкент шаҳрида ҳам шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши масъуллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, фах-

рийлар ва бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, демократлаштириш жараёнлари натижаларини тарғиб қилиш, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда эришилган ютуқларни иштирокчиларга атрофчила тушундириш масалаларида тарғибот таъсирчанлигини ошириш хусусида сўз борди. Қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— Бугун республикаимизда ёшларнинг нафақат мукаммал билим эгаллаши, айни вақтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти савриндорини, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Дилафруз Усмонова. — Биз, ёшлар ҳам партия сафига туриб давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишимиз, фуқаролик позициямизни мустаҳкамлаб боришимиз зарур. Зеро, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида биз, ёшларга қатта ишонч билдириб, «Ҳеч қачон бўш келма — алажа бекларим, эртанги кун — келишак сизимки!» дея таъкидлади. Биз ана шу ишонччи оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Тадбир сўнгида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда демократлаштириш жараёнларининг натижаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва партия гуруҳлари олдига турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Гулурух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши электротатни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, уларга ижобий ечим топишда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланишга кенг эътибор қаратмоқда. Кўп сонли сайловчилар, электротат вақиллари яшаётган чекка ҳудудларда ҳам кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил қилиняпти. Шу орқали мурожаатлар қисқа фурсатда ҳал этиляпти.

МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА

депутатлар фаоллиги
муҳим ўрин тутади

Тупроққалъа мавзеси вилоятнинг чекка ҳудудларидан саналади. Бухоро вилоятининг Ромитан тумани билан чегарадош бу ҳудуддаги маҳаллалар вилоят маркази Урганч шаҳридан деярли 250 чакирим масофада жойлашган. Тупроққалъа қишлоғининг тарқибига кирувчи Саримой маҳалласи эса ўрталик масофада. Айнан масофа узоқлиги билан боғлиқ бир қатор масалалар долзарблигига қўймоқда.

— Саримой маҳалласида ҳамда Тупроққалъа қишлоғида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйишдан қўзланган мақсад мазкур ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга биргаликда ечим топишдир, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров. — Партиямиздан сайланган вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари билан кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этиб, ҳудуддаги масалалар билан қизиқди. Кўчма Жамоатчилик қабулхонасига ўн тўртта масала бўйича мурожаат бўлди.

Уларни тезкор ҳал қилиш учун Ҳазорасп туман ҳокимлиги ва вилоятнинг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлар бошлаб юборилди. Айрим масалалар бўйича масъул ташкилотларга депутатлик сўрови билан қилинди. Баъзи мурожаатлар ечим юзасидан тегишли ҳудуддан сайланган маҳаллий Кенгашлардаги депутатларга керакли тавсиялар берилди. Икки ҳафта муддатда кўчма Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатларнинг аксари ҳал қилинишига эришилди.

Кўчма Жамоатчилик қабулхонасига тушган айрим мурожаатларда кўтарилган масалаларни ижобий ҳал қилишда беvosита тегишли республика идоралари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари аралашувига эътиб эsezилмоқда.

Тупроққалъа қишлоғида Тупроққалъа маҳаллий хизмат касб-ҳунар коллежи фаолият юритади. Бу масканда шу мавзедоги барча маҳаллаларда яшаётган хонадонлар фарзандлари таълим олади. Аҳоли мавзевининг нисбатан чекка Гурлан, Ҳазорасп маҳаллаларида яшаётган ўқувчиларнинг коллежга пайда қатнашлари имкони йўқ, масофа анча узоқ. Айнан Саримой маҳалласида яшовчи хонадонлар фарзандлари ҳам шу коллежда таҳсил олишяпти, касб-ҳунар ўрганишяпти. Аммо масофанинг узоқлиги ўқувчилар давомдаги салбий таъсир кўрсатмоқда. «Урганч-Тупроққалъа» йўналишида қатнайдиغان автобусларнинг ҳаракат вақти ўқуш вақтига мос келмади. Мазкур касб-ҳунар коллежга ўқувчилари вақтида етказиш масаласини махсус автобус ажратиш орқалигина ҳал қилиш мумкин.

Тупроққалъа қишлоғи, Саримой маҳалласи ва ҳатто Питнак шаҳри аҳолиси ҳам республика телевидениеси кўрсатувларини томоша қилишда қийналишаётгани тўғрисида мурожаат тушди. Маълум бўлишича, теле-таъсирларнинг сифати паст, айрим кунлари эса мутлақо кўриш имкони йўқ. Мазкур ҳудудларда республика теледустурларини узатиш маркази станцияларини рақамли дастурларга ўтказишни тезлаштириш лозим. Шундангина бу ҳудудда яшаётган аҳоли мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, демократик ислохотлар, ҳаётимиздаги янгилликлардан ўз вақтида, тўлақонли хабардор бўлади.

Кўчма Жамоатчилик қабулхонасининг бир кўнлик фаолияти давомидо бошқа масалалар ҳам аниқланди. Уларнинг ечимини топиш учун партия фаоллари, депутатлар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳаракат қилишмоқда.

Вилоят партия кенгаши томонидан кўчма Жамоатчилик қабулхоналари бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Депутат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Депутат одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Депутатнинг ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.



■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳукумат қарорлари ва амалдаги қонунларнинг ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда фаоллик ва талабчанлик кўрсатишга интиломоқда.



Инсульт ва ундан ҳимояланишнинг оддий формуласи

Ақл-идрокнинг юксалиши фан ва техникани илгари ҳаракатлан-тирмоқдаки, бу ўз навбатида ин-сон турмуш тарзининг янада фаровонлашишига, саломатлигини яхшилашга, умрини узайтириш-га замин яратмоқда.



Каролина институти олимлари олиб борган тадқиқот натижалари-ни ҳам бу йўлдаги изланишлар са-мараси дейиш мумкин.

Гап шундаки, олимларнинг таъкидлашича, кунига 4 пиёла қора чой ичиш инсультга чалинишни 5 дан 1 қисмга камайтиради. Бу ин-сультдан ҳимояланишнинг универ-сал формуласидир, дейишмоқда 74 минг 961 нафар кўнгилчининг я-шаш тарзини кўп йиллар давоми-да кузатиб ва таҳлиллар ўтказиб, асосли ҳулосага келган институт олимлари.

Экспертларнинг айтишларича, дея хабар беради «The Daily Mail» газетаси, юқорида айтилган миқ-дорда қора чой истеъмол қилиш қонда тромблар ҳосил бўлишини 21 фоизга камайтиради.

Маълумки, қора чойда фла-воноидлар мавжуд бўлиб, у юрак ва мия учун жуда фойдалидир.

Меҳнатга яроқли

кишиларнинг кўплиги
иқтисодий ўсишни
таъминлайди

Дарҳақиқат, меҳнатга яроқ-ли аҳолининг кўплиги ва улар-нинг ишлаб қаратишда доимий бандлиги мамлакатнинг иқтисо-дий ўсишини таъминловчи асо-сий восита ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда Европанинг бир



қатор мамлакатларида ва бош-қа айрим давлатларда меҳнат-га яроқли аҳоли сонининг ка-маийб бораётгани ташвишла-нарли ҳолдир. Бундай вазият Хитойда ҳам кузатилиши мум-кинлиги мутахассисларни хаво-тирга солмоқда.

Экспертлар ҳисоб-китобларига таяниб «Bloomberg» ахборот агент-лиги хабар тарқатишича, Хитой аҳолиси кексасайб ва меҳнатга яроқ-ли аҳоли қатлами камаийиб бормоқ-да. Бу эса таҳлилчиларнинг фикри-ча, мамлакат иқтисодиёти ўсиши-га, ўз таъсирини ўтказмай қолмай-ди.

Ҳозирги кунда мамлакатда меҳ-натга яроқли аҳоли сони тахминан 937 миллион кишини ташкил эта-ди. БМТ экспертлари башоратла-рига кўра, кейинги 5 йилда бу кўрсаткич 24 миллионга камайиши мумкин. Ва айнан шу вақтда 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли сони 66 миллион кишига кўпаяди.

Бундай вазиятнинг юзгага кели-шига бир вақтлар Хитой маъмури-яти томонидан жорий этилган «бир оилага бир фарзанд» тамойили асо-сий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Айбсизлик презумпциясига биноан, шахс унинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади.

■ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА

Жорий йил 1-7 сентябрь кунлари «Euronews» телеканалда «Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивалида бағишланган «Самарқанд: Шарқ оҳанг-лари» номли туркум репортаж намоиш этилди. Унинг матни телеканал расмий сайтида ҳам эълон қилинди. Биз уни этиборингизга ҳавола этиялмиз.

«Самарқанд: Шарқ оҳанглари»

Олти кун давом этган «Шарқ тароналари» фести-вали давомида қадимий Самар-қандда тақорланмас байрам шукҳи ҳукм сурди. Ҳар кун бош сахнадаги чиқишлар, Самарқанд шаҳрининг мадания-т ва истироҳат боғлари ҳамда туманларда бўлиб ўтган

Франки РАДЕН, фести-валь халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Узинг яшаётган давлатда фақат ўша мамлакатга тегишли бўлган маданият ва урф-одат-лардан хабардор бўласан. Мен Индонезияданман. Шу сабабли ҳам индонез маданиятини яхши биламан. Бу ерга кел-ган ҳамкасбларим ҳам худди биз каби. Бугун биз учун кўплаб халқ ва элатларнинг анъанала-ри билан танишимиз, жа-ҳон мусиқа маданияти-нинг бетакрор намуна-ларини тинглаш имко-нияти яратилди.

Эрик ФАЛТ, ЮНЕСКО Бош ди-ректорининг жамо-атчилик билан ало-қалар бўйича ўрин-босари:

— Биз янгиликлар дастури орқали ҳар кун дунёда маданият объектилари ва санъат асарларига турли таъ-воулар уюштирилаётганини аштитялмиз, кўрял-миз. «Шарқ таронала-ри» фестивалида эса му-тлақо бошқача манзара — турли мам-лакатлардаги маданиятлар хил-ма-хиллигини сақлаш ва уларни ривожлантириш ҳамда келажак авлодга етказиш гоёси ҳукмрон.

Фестиваль иштирокчилари-нинг чиқишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати — етакчи му-сикашунослар ва Сингапур, Бельгия, Жанубий Корея, Индо-незия, Марокаш, Канада ва бошқа давлатларда ўтказилган-ган фестивалларнинг ташкил-чиларидан иборат гуруҳ баҳо-лаб борди. «Шарқ тароналари-да Гран-при җитойлик санъат-корларга насиб этди.

«Ўзбекистон овози» мухбири,
Темур АбЗАМ тайёрлади.



концерт дастурлари, симпозиум ва коллоквиумлар — булар-нинг ҳаммаси «Шарқ тарона-лари»да қатнашмиш мақсадида келган меҳмонларни ўзбек ма-данияти ва санъати билан, Самарқанд аҳолисини эса жа-ҳон мусиқаси билан таништи-риш мақсадида ташкиллашти-рилди.

ЮНЕСКО шафелиги остида ўтказиб келинаётган «Шарқ та-роналари» нафақат минтақада, балки дунёнинг олис мамлакат-ларида ҳам энг оммавий ва машҳур фестиваллардан бири-га айланди. Бу йилдан-йилга фестиваль иштирокчиларининг географияси тобора кенгайиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрами муносабати билан «Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва онгники юксалтиришда фуқаро-лик жамияти институтларининг ролини кучайтириш» мавзусида

Давлат гранти ажратиш учун танлов эълон қилади

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти ин-ститутларининг қуйидаги мақса-длардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалари қабул қилинади:

1. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда жамиятда қонунийликини мустаҳкамлашга қаратилган маъ-навий-маърифий тадбирлар, тан-ловларни энг аввало, ёшлар ора-сида амалга ошириш.
2. Худудий ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб бериш, Асо-сий қонунийлик меъёрилари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган махсус теле ва радиодастурлар, нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш.
3. Барча давлат органлари, ман-сабдор шахслар ва фуқаролар то-монидан қонун ва ҳуқуққа нисба-тан ҳурмат муносабатини шакллан-тиришга қаратилган материаллар-ни худудий ОАВда тайёрлаш ва чоп этиш.
4. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилишининг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида ха-бардорлигини ошириш, уларда амалдаги қонунчилик доирасида ўз ҳуқуқларини талаб қилиш қўни-қим-малари, билими ва тайёргарлиги-ни шакллантиришга қаратилган мавзуга доир теле ва радиодас-турлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш.
5. «Жисмоний ва юридик шах-сларнинг муносабатлари тўғрисида-да» Қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича худудий ОАВ томонидан ахборот-тушунтириш

ишларини олиб бориш.

6. Жамиятда ҳуқуқий онг, сиё-сий ва ҳуқуқий маданиятини оши-ришга оид қонунчиликни тақомил-лаштириш бўйича мамлакатда олиб борилаётган амалий ишлар-ни ОАВда кенг ёритиш.
7. Республикада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва жамоат муҳокамаси, ушбу ишда экспертлар, олимлар, мутахассис-амалиётчилар, фуқа-ролик жамияти институтлари ва-киллариининг иштироки бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хаба-рдор қилиш.
8. 2014 йилда Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясига киритил-ган ўзгариш ва қўшимчаларни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоат-чилик ўртақсизда кенг муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш.
9. Мамлакатда демократик ис-лохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллан-тириш Концепцияси доирасида қабул қилинган қонунларнинг маз-муни ва моҳияти ҳақида кенг ах-борот-тушунтириш ишларини да-вом эттириш.
10. Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий билимларини тар-ғиб қилиш бўйича ишларни амал-га оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

1. Лойиҳага оид талабнома тақ-дим этилаётганлиги ҳақида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтлари раҳбарининг имзо-си ҳамда муҳри билан тасдиқлан-ган кузатув хати.

2. Давлат гранти учун www.fundngo.uz сайтида жойлаш-тирилган шаклда ёзилган лойиҳа-га оид талабнома.

3. Ташкилот давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси.

4. Ташкилот муҳри билан тас-диқланган устанвинг кўчирма нус-хаси (охирги ўзгариш ва қўшим-чалари билан).

5. Агар лойиҳа лицензиялана-диган фаолиятни талаб қилса, ли-цензиянинг кўчирма нусхаси.

6. Манфаатдор Давлат ва жамо-ат ташкилотларининг тавсияно-малари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа бўйича ажратила-диган грант миқдори — 25 млн. сўмга.

Ҳужжатлар 2015 йил 29 августдан 6 октябрга қадар қабул қилинади. Ҳужжатлар 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси ҳузури-даги ННТ ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фон-ди» номлига юбориладиган «Ўзе-бистон почтаси» орқали муҳрлан-ган конвертда (А4 форматда) қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш шарт-лари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фон-дининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

■ ИНСОН ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Холислик, адолатлилик принципи

Инсон шаъни, кадр-қиммати, эркинлиги ҳимояланган жамиятда фуқаролар келажакка ишонч билан қарайди. Мустақиллик бизга ай-нан шундай — ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган қудратли давлат қуриш имконини берди. Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституцияси инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликларини олий қадрият сифатида эъти-роф этиб, уларнинг таъминланишини кафо-латламоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг туб мақсади ҳам фуқароларнинг шахсий эркинлиги кафолат-лари амалга оширилиши учун барча зарур шарт-ша-роитларни яратишга қара-тилган.

Президентимизнинг «Ка-моққа олишга санкция бе-риш ҳуқуқини судларга ўтка-зиш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ, 2008 йил 1 ян-вардан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи суд-нинг ваколатига ўтказилган-ни ўзининг ихобий самара-сини бермоқда ва инсон ҳуқуқи ҳимояси йўлида хиз-мат қилмоқда.

Маълумки, қамоққа олиш шахсининг эркинлигини чега-ралаш билан бевосита боғ-лиқ ва шу сабабдан мазкур масала Конституциямизнинг 19, 25 ва 44-моддаларига асосан айнан суд тартиби-да амалга оширилиши за-рур. Қамоққа олишга санк-ция бериш ҳуқуқининг суд-ларга ўтказилиши жиноят содир этганликда айбана-ётганларга судгача бўлган

тергов босқичида мазкур процессуал мажбурлов чо-расини қўллашда суд ҳимо-яси ҳуқуқини таъминлайди.

«Хабес корпус» институ-тининг жорий этилиши яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи про-курдордан судга ўтказилиши принциплал, тарихий қадам бўлди. Ушбу қарор пухта ўйлаб қабул қилинган бу-гунги кунда кўпгина амалий

мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институ-тининг амалиётга татбиқ эти-лиши инсоннинг конститу-циявий ҳуқуқ ва эркинлик-лари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

2012 йилнинг 18 сентябри-да Ўзбекистон Республика-си Жиноят процессуал ко-дексининг айрим норма-ларига, жумладан, 29 ва 31 бобларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани суд-ҳуқуқ тизимидаги муҳим ислохотлардан бири бўлди. Эндilikда лавозимдан чет-лаштириш ва тиббий муас-сагага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чо-ралари фақат судьянинг санкцияси асосида қўллани-лиш тартиби қонунан мус-таҳкамланди.

Мазкур жиноят-процес-суал чоралари фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эр-кинликларини жиддий ра-вишда еклаши сабабли уларнинг қўлланилишининг қонунийлиги ва асослиги-ни таъминловчи ишончли процессуал ҳуқуқий кафо-латлар талаб этилади. Про-цессуал мажбурлов чорала-ри қўлланилишида фуқа-ролар ҳуқуқларининг еклани-ши нечоғли ҳақиқий зару-рат билан талаб этилиши муҳим аҳамият касб этиди-ган ҳолатлардан биридир. Зеро, жиноят ишлари юри-тувининг вазифалари шахс-нинг ҳуқуқ ва эркинликлари-ни низоҳатда ҳам даражада екллаш орқали амалга оширилиши зарур. Мазкур

процессуал мажбурлов чо-раларига алоҳида тўхталсак. Умуман олганда, лаво-зимдан четлаштириш про-цессуал мажбурлов чораси қандай ҳолатларда ва қай шароитда қўлланилади?

Жиноят-процессуал қонунчиликка биноан, ба-шарти айбланувчи, судла-нувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жино-ят оқибатида етказилган за-рарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаоли-ятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, тер-говчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштириш-га ҳақлидир.

Шу билан биргаликда, эътиборда тутиш лозимки, лавозимдан четлаштирилган шахс жиноят содир этишда айбланаётган, аммо ҳали айбдор шахс эмас. Зеро, айбсизлик презумпциясига биноан, шахс унинг айби суднинг қонуний кучга кир-ган ҳукми билан исботлан-магунга қадар айбсиз ҳисоб-ланади.

Афсуски, баъзида даст-лабки терговни юритувчи мансабдор шахс томонидан масалага совуққонлик билан қараш ҳолатлари учраши мумкин. Бунинг оқибатида эса шахсга нисбатан лаво-зимдан четлаштириш про-цессуал мажбурлов чораси-нинг нотўғри қўлланилиши эҳтимоли сезиларли ошади. Натижада фуқаронинг меҳ-нат фаолиятини эркин амал-га оширишга (ҳамда меҳнат учун ҳақ олишга) бўлган конституциявий ҳуқуқининг бевосита бузилиши юзга келади.

Қонунга биноан, суриш-тирув ва дастлабки тергов даврида суд-тиббийёт ёхуд суд-психиатрия эксперт-изасини ўтказишда стац-ионар кузатув зарурати бўлса, айбланувчи ёки суд-ланувчига нисбатан, башар-ти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши

мумкин бўлган жиноятни со-дир этишда айбланаётган бўлсалар, тегишли тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чо-раси қўлланилиши мумкин.

Ана шуларни инобатга олиб, фуқароларнинг консти-туциявий ҳуқуқларини су-риштирув ва дастлабки тер-гов даврида ечловчи бар-ча процессуал ҳаракатлар устидан назорат айнан суд томонидан амалга ошири-лади. Зеро, жиноят ишлари юритуви субъектлари ичи-да фақат судгина айблов-дан манфаатдор эмас ва ҳар қандай тергов механиз-мларига тобе эмас. Суднинг тергов қонунийлигига сол-ган назари ўзининг табиа-тига кўра, холис ва адолат-лидир.

Суднинг холислиги яна шу билан ҳам белгиланади-ки, судга қадар иш юриту-вида суд функцияси доимий характерга эга эмас, унинг таъсири судга суриштиру-ви, терговчи ва прокурор-нинг муайян процессуал ҳаракатлари устидан шиқо-ят қилишда ёхуд у ёки бу процессуал ҳаракатни ўтка-зишга суд томонидан рух-сат берилишида намоён бўлади.

Суд назорати судга қадар босқичларда торти-шув принципининг реал таъ-минланишига, процесс иш-тирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда тергов хатоларини ўз вақ-тида аниқлаб, бартараф эти-лишига хизмат қилади. Энг муҳими, мазкур институ-тининг татбиқ этилиши шахс эркинлигини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва ҳалқ-аро ҳуқуқ нормаларининг амалда таъминланишини ка-фолатлайди.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Сергея Туман
судининг судьяси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 15 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қий-матини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1846,68
■ 1 Англия фунт стерлинги	4030,95
■ 1 Дания кронаси	397,19
■ 1 БАА дирҳами	710,95
■ 1 АҚШ доллари	2610,89
■ 1 Миср фунти	333,45
■ 1 Исландия кронаси	20,62

■ 1 Канада доллари	1971,38
■ 1 Хитой юани	409,89
■ 1 Россия рубли	38,39
■ 1 Украина гривнаси	120,32
■ 1 Малайзия ринггити	605,35
■ 1 Польша злотийси	704,62
■ 1 СДР	3676,52

■ 1 Туркия лираси	858,31
■ 1 Швейцария франки	2698,04
■ 1 ЕВРО	2932,92
■ 10 Жанубий Корея вони	22,07
■ 10 Япония менаси	217,12

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАДБИР

МАРҒИЛОНДА АТЛАС БАЙРАМИ



Марғилонда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси, Республика «Хунарманд» уюшмаси ва Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Атлас байрами» миллий матолар фестивали ташкил этилди.

Шаҳарнинг барча кўча ва бинолари ипак матолар, нозик чизимли кашталар билан безатилди. Фестивалда мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги уста ва устозда хунармандлар ўзларининг ипак матолари, кашталари билан иштирок этдилар.

— Тарихий манбаларда қайд этилишича, Марғилон буюк Ипак йўлидаги ипакчилик, матогарлик, каштачилик гоат ривож топган шаҳарлардан бири бўлган, — дейди хусусий хунар-

мандчилик кичик корхонаси раҳбари, ЎзХДП фаоли Рузбой Тешабоев. — Мустақиллик йилларида Марғилон яна ўша қадимий аъналарини тиклади. Бу фестивалнинг яхши томони шундаки, хунармандларнинг халқаро ҳамкорлиги кенгайди, туризм равнақ топади. Натижада янги иш ўринлари очилади, ёшлар бандлиги таъминланади. Бугунги кунда мен раҳбарлик қилаётган корхонада 50 нафар йигит-қизлар меҳнат қилади. Худо хоҳласа, яна

20 янги иш ўрни ташкил қилиш ниятидаман. Марғилон шаҳридаги Миллий хунармандчилик марказида фестиваль иштирокчиларига ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кристика Пиккат ва «Хунарманд» уюшмаси мутахассислари томонидан янги ўқув қўлланмалари тақдим этилди. Чет элдан ташриф буюрган меҳмонлар ипакдўз Фазлиддин Дадажонов устaxonасида бўлиб, унинг ишлари билан танишди.

Фестиваль доирасида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган дизайнларнинг ипак мато либослари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кристика Пиккат, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари: — Биз уч кун давомида қадимий Марғилоннинг моҳир хунармандлари билан яқиндан танишиб, ипак матолар тайёрлаш жараёнида иштирок этдик. Ипак толаси яратилишининг ўзи мўъжиза. Марғилонлик усталар эса ақл, заковат ва тажрибани уйғунлаштиришган экан. Фестивалда энг юксак натижа кўрсатган устоздалар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига сертификатлар топширдик. Энди бундай фестиваль Марғилонда ҳар йили ўтказиладиган бўлди.

Биби Россел, бангладешлик хунарманд:

— Марғилон мен ўйлагандан ҳам гўзал, айна чоғда миллийлигини сақлаган шаҳар экан. Хунармандларнинг истеъдоди, одамларнинг очик чеҳраси, меҳмондўстлиги мени ўзига ром этди.

Мен дунёнинг деярли барча қитъа мамлакатларидаги энг нуфузли кўргазмаларда либослар тўплами билан иштирок этганман. Аммо Марғилон фестивалига катта ҳаяжон билан тайёргарлик кўрдим. Чунки ипак матолардан либослар яратишининг ўзгача талаблари бор. Гап фақат дизайнда эмас. Ипак матодаги ҳарирлик, толалар йўналиши, нақшлар маъносини сақлаб қолиш — буларнинг барчаси дизайнчидан юксак маҳорат талаб қилади.

Лолахон Бўлтакова, Самарқанд вилояти, Жомбой туманидан, хунарманд:

— Қизим Ойгул билан каштачилик устaxonаси очганмиз. Маҳалламиздан 15 нафар аёлни ҳам ишга олдик. Касб-хунар коллежи битирувчиларидан беш нафарига «Устоз-шогирд» лойиҳаси бўйича касбимни ўргатаймиз. Насиб қилса, келгуси йил Марғилонда ўтадиган навбатдаги фестивалга шогирдларим икки барабар кўпаяди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Хабарингиз бор, 2016 йилнинг 12-30 январь кунлари Доха (Қатар)да футбол бўйича ёшлар (U-23) ўртасида илк Осиё чемпионати финал босқичи ўтказилди.

Рақиблар аниқ



Мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси нафақат медаллар, балки келаси йили Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзи Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар учун ҳам кураш олиб боради.

Куни кеча Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра, Виктор Жалилов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «С» гуруҳида иштирок этадиган бўлди. Ушбу «квартет»дан ҳамюртларимиз билан биргаликда Ироқ, Жанубий Корея ҳамда Яман футболчилари ҳам жой олган.

Мусобақанинг гуруҳлари билан танишинг:

«А» гуруҳи: Қатар, Сурия, Эрон, Хитой

«В» гуруҳи: Саудия Арабистони, Япония, КХДР, Таиланд

«С» гуруҳи: Ироқ, Жанубий Корея, ЎЗБЕКИСТОН, Яман

«Д» гуруҳи: Иордания, Австралия, БАА, Вьетнам.

Эслатиб ўтамиз, чемпионат низомига кўра, ўз гуруҳида дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар «плей-офф» босқичига йўлланма олади. Мусобақа ярим финалчилари Рио-де-Жанейро олимпиясида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи интеграциялашган офислар лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Лойиҳа Жаҳон банки билан ҳамкорлик доирасида бажарилмоқда.

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ОФИСЛАР ИШ БОШЛАЙДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, лойиҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси юзасидан бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳанинг 2015-2016 йилларга мўлжалланган биринчи босқичида Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи интеграциялашган офислар фаолияти йўлга қўйилди. Замонавий талаблар асосида бунёд этиладиган офислар энг илгор ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланади.

«Ягона ойна» тамойили бўйича хизмат кўрсатадиган ушбу офисларда турли ижтимоий хизматлар ва бандликка кўмаклашувчи масалаларида аҳолига малакали мутахассислар хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Келгусида ушбу синов лойиҳалари асосида мамлакатимизнинг барча туманларида шу турдаги офисларни барпо этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги лойиҳани амалга ошириш доирасида аҳоли ўртасида бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлифларни ҳам ўрганиб боради.

Б.БОЗОРОВ, ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

«Микрокредитбанк» АТБ: Яқин ҳамкор, ишончли кўмақдош

«Микрокредитбанк» акциядорлик — тижорат банки ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.



Хизматлар лицензияланган.

Хусусан, банкнинг Фарғона вилоят филиали кредитлари ҳисобига ўз салоҳиятини намойён этаётган ёш ишбилармонларнинг сафи тобора кенгаймоқда, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бунда Президентимизнинг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларни қўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлмоқда.

Ҳар бир касб-хунар коллежига бириктирилган банкнинг масъул ходимлари мунтазам учрашув ва семинарлар ўтказишмоқда. «Микрокредитбанк» томонидан яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Марказий банк Фарғона вилоят бошқармаси ҳамкорлигида «Микрокредитбанк сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва таъриқий хизматиди» шиори остида Кўкөн шаҳрида, Риштон ва Қўштепа туманларида ана шундай тадбирлар ташкил этилди.

2015 йилнинг 1 августига қадар 260 нафар коллеж битирувчисига банк томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. Масалан, ҳудудда тикувчиликни ривожлантириш ниятидаги тадбиркорлар — Гулишан Акбарова, Гулбаҳор Холматова ҳамда Юлдаз Усмоновага 2 йил муддатга, 5 миллион 900 минг сўмдан имтиёзли кредит ажратилди.

Шунингдек, банк мижози «Лабиринт йўли» оилавий корхонасига атлас ва адрас ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадида, ипак маҳсулотлари сотиб олиш учун 3 йил муддатга, 50 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига корхонада 5 янги иш ўрни ташкил этилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Микрокредитбанк» сармоялари ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ЎЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАЎСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonada nashr: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11028
naxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 00.20
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 5 6